

# Калола зурриёти ва аждоди йўқ одамдир



09:05 / 11.09.2019 3707

تِلَاغَاتٌ هَلْ لَّيْلٍ لَّآق:

لَّا أَلْتُمْتُ فِي شُرَكَاءَ فَهَمَّ ذَلِكَ مِنْ أَكْثَرِ كَانُوا فَإِنَّ السُّدُسَ مِنْهُمَا وَوَجِدِ فَلَئِكُلِّ أُخْتٍ أَوْ أُخٍ وَلَهُ، أَمْرًا أَوْ كَلَلَةً يُورَثُ رَجُلٌ كَانَتْ وَإِنْ

Аллоҳ таоло:

«Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса, унинг биродари ёки сингиси бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир. Агар бундан кўп бўлсалар, улар учдан бирига шерикдирлар...» деган (Нисо сураси, 12-оят).

Шарҳ: Бу ерда она бир қариндошлар кўзда тутилган бўлиб, «биродар» сўзи ака-ука, «сингил» эса «опа-сингил» маъносини ифода этади.





Биз ушбу фаслнинг бошида ўрганган калола ҳақидаги бошқа оят қиш фаслида нозил бўлиб, у «қиш ояти» деб номланган.

كَانُوا تَفْتَسِي هَلْ لَ لُؤْسَرَايَ : لَأَقَفْ مَلَسُو هَلْ لَ لُؤْسَرَايَ تَفْتَسِي هَلْ لَ لُؤْسَرَايَ  
نَمَّوْهُ : قَحْسُ إِيْبَالُ تَلْقَفْ ، فَيُصَلُّوْهُ كَيْتُجُتْ : لَأَقُ ؟ هَلْ لَ لُؤْسَرَايَ ؟ هَلْ لَ لُؤْسَرَايَ  
دُوَادُ وُؤْبَأُ هَأَوْر . اؤُنْظَا كَلْدَكْ : لَأَقُ اِدِلْ اَوَالْ وَاَدَلْ وَاَدَلْ مَوْتَام

Бир одам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан калола ҳақида фатво сўрарлар. Калола нимадир?» деди.

«Ёз ояти сен учун етарли», дедилар у зот.

Мен Абу Исҳоққа:

«У - ўзи ўлиб, бола ҳам, ота-она ҳам қолдирмаган-да!» дедим.

«Шундай деб билишарди», деди.

Абу Довуд ривоят қилган.

(Давоми бор)

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**